

Хам шоир, хам носир, хам драматург Омон Мухтор 1941 йили Бухорода таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгач, бир неча вақт нашриётларда адабий ходим, Ўзбекистон радио, телевидение Давлат Комитети, «Ўзбекфилм» ҳамда Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида мухаррир бўлиб ишлайди. Хозирги кунда эса «Шарк юлдузи» ойномасида бош мухаррир ўринбосари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Унинг ижоди гарчи 50-йилларнинг охиридан бошланган бўлса ҳам, биринчи «Чорлар куёшли йўллар» шеърий тўплами 1965 йилда чоп этилади. Шундан сўнг у хикоянавис, киссанавис, романнавис, шоир ва драматург сифатида йигирмадан ортиқ китоб нашр эттиради. Жумладан, «Нигоҳ» (1968), «Кушлар ва тушлар» (1971), «Шахарлик келинчак» (1973), «Хаёт дарвозаси» (1978), «Бухоролик донишманд» (1982), «Волшебник» (1986), «Болаликка саёҳат» (1984) каби хикоялар тўплами, пгунингдек, «Учкур поездлар» (1981), «Вазифа» (1988) каби хикоялар, киссалар мажмуасини чоп эттирди. У айна чоғда романнавис сифатида ҳам ўзининг «Йиллар шамоли» (1976), «Егилган бош» (1989), «Минг бир кийёфа» (1992) каби эпик асарларини яратди. Шунингдек, «Оханг» (1974), «Ёгду» (1979), «Марварид» (1985), «Шиддат» (1990) каби шеърий тўпламлар О.Мухтор каламига мансуб.

Айна чоғда у болалар учун «Бувим эртак айтади» (1971), «Кунлардан бир кун» (1985), «Минг йилда] сўнг» (1991) каби шеър, эртак ва хикоялар тўпламлари ни совга этган. «Егилган бош» романи учун 1990 йили Ёзувчилар уюшмасининг адабий мукофотиغا сазовор бўлди. Адиб таваллудининг эллик йиллигида (1991) унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби фахрий унвони берилди. Асарлари рус ва кардош тилларга таржима ҳам этилган.